ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

● Ўтган куни Янгийўл райони машина билан 4,80, Оққўрғон 5,65, Юқори Чирчиқ 5,54, Ўрта Чирчиқ 5,16 процент пахта терди. ● *Абдурасул Абдураҳимов, Илёс Арслонов, Сотиболди Исроилов бошлиқ звенолар йиллик планни бажардилар.* ● Суръатга суръат қўшиб, кунига 3-4 процент ва ундан ортиқ пахта тайёрлашга эришайлик!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 185 (3667).

19 СЕНТЯБРЬ

СЕШАНБА

1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИК



Пахтакор деҳқон учун «оқ олтин» қувончидан зўр қувонч бўлмаса керак. Негаки, пешона тери тўкиб етиштирилган ҳосил кутилганидан ҳам знёда бўлиб чиқса, эл-юрт олдида берилган сўз тўла адо этилса, пахтакорнинг қалби бир жаҳон қувончга тўлади. Ҳозир, шу дақиқаларда бизнинг звеномиз пахтакорлари ана шундай катта қувонч ҳиссиёти билан яшамоқдалар. Улуғ Октябрнинг ярим асрлик тўйига катта тўёна ҳозирлаш ниятида йил бўйи ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб келаётган деҳқонларимиз куни-кеча пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари тўғрисида халққа, партияга, она-Ватанга ғалаба рапорти бердилар!

Шунисн қувончлики, йиллик план 8 кун деганда тўла адо этилди. Бу—қудратли «зангори кема»ларнинг шарофати ва кароматидир. Биз пахтачиликни комплекс механизациялаштиришга йил сайин жуда катта эътибор бериб келаяпмиз. Бунинг натижасида дала ишлари, шу жумладан пахта терими асосан механизмлар кўмагида бажарилаяпти. Бу йил илгари ҳеч бўлмаганидек, ҳосилнинг 96 процентини фақат машиналар билан териб олдик. Менинг ўзим ва ҳамкасбларимдан Эргаш Кўрғонбоев, Абдулла Тиллаев ўртоқлар ҳозиргача давлатга топширилган 142 тонна пахтанинг 137 тоннасини эл хирмонига бункерлардан тўкдик.

Эрта баҳордан буён ҳар туп ғўзани серҳосил қилиб ўстириш учун жон куйдириб меҳнат қилганимиз зое кетмади. Кўчатларда биз кутгандан ҳам знёда ҳосил пишиб етилди. План бўйича ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил олишимиз керак эди. Ана шу ҳосилни биринчи машина теримдаёқ йиғиштириб олдик. Далаларимизда ҳали пахта жуда кўп. Баъзи пайкалларни кўрсангиз, ҳали пахтаси терилмапти, дейсиз. Юбилейни тағин ҳам катта тўёналар билан кутиб олишга бел боғлаган пахтакорларимиз ҳосилдорликни бемалол 40 центнерга етказа оладилар. Йиғим-теримни қуп сайин авж олдираяпмиз. Менинг ўзим ва ҳамкасбларим ҳар куни 5—6 тоннадан пахта тераяпмиз. Мавсум охиригача хирмонга камида 120 тонна «оқ олтин» тўкмоқчиман. Бу мажбуриятимни албатта бажараман ва мамлакатимизнинг улкан байрамини ёруғ юз билан кутиб оламан.

Абдурасул АБДУРАҲИМОВ.
Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг механизатор-звено бошлиғи.

ИККИ ЗВЕНО ЮТУҒИ

Бўкадаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида звено бошлиқларидан Илёс Арслоновни ҳамма табрикламоқда. Чунки 40 гектар пахта майдонига эга бўлган бу звено аъзоларн пахта йиғим-теримига яхши тайёрлик кўриб, уни уюшқоқлик билан бошлаган эдилар. Арслоновнинг ўзи мавсумда машина билан 50 тонна пахта териш мажбуриятини олган эди. Звено аъзоларининг бу ҳаракатлари зое кетмади, йиллик пахта тайёрлаш плани биринчи теримдаёқ — 8 ш кунида бажарилди. Давлат омборларига топширилган 82 тонна пахтанинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди. Шу пахтанинг 50 тоннасини Арслонов ўз агрегати билан териб олди.

Колхозда биринчи бўлиб маррага етган бу звено аъзолари энди қолган ҳосилни чамалаб кўриб ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

Райондаги «Партия XIX съезди» колхозининг Сотиболди Исроилов бошлиқ звено аъзолари ҳам йиллик планни 6 ш кунида бажардилар. Ҳозиргача бу звенонинг 41 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 22,5 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Улар энди гектаридан олинадиган ҳосилни 34 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Эрмон УСМОНОВ.


Юбилей йили «Оқ олтини»

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 18 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Районлар	бир кунда	мавсум бошидан бери	Машина терими: бир кунда	Машина терими: мавсум бошидан бери
Янгийўл	4,17	26,84	4,80	20,07
Оржоникидзе	3,23	17,09	1,36	1,36
Оққўрғон	4,46	16,32	5,65	18,21
Юқори Чирчиқ	4,02	15,62	5,54	16,00
Бўка	3,40	14,84	4,42	15,96
Ўрта Чирчиқ	3,75	13,47	5,16	13,69
Бекобод	1,58	9,77	1,55	6,07
Область бўйича	3,61	16,62	4,56	15,32



ШУ кунларда Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг далаларида «зангори кема»лар жавлон урмоқда. Механик-ҳайдовчилар юбилей олди соцналистик мусобақасини кенг авж олдириб ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар. Суратда: совхозининг 7-бўлимида пахта терими.

А. Абалян фотоси.

ПАХТАЗОР хабарлари

ОҚҚЎРҒОН. Энгельс номли колхоз механизаторлари машина теримини зўр тараддуд кўрган ҳолда бошлаб юбордилар. Уларнинг мақсади ҳосилнинг деярли ўндан тўққиз қисмини «зангори кема»лар билан йиғиштириб олишга қаратилган. Механизатор-звено бошлиқларидан Я. Мирзотов, В. Қосимов, Ғ. Исломов, И. Акбаров ўртоқлар мавсум охиригача 80—100 тоннадан пахта териш учун ҳозирданоқ зўр гайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Райондаги Охунбобоев номли колхознинг қўпчилик звеноларида ҳам терим суръати кун сайин жадаллаштирилмоқда. Сергайрат теримчилардан Ҳ. Юсупова, Р. Собирова, Ҳ. Маматқулова, Х. Файзиева сингари ўртоқлар пешқадамликни қўлдан беришмаяпти.

Т. БУЗРУКОВ,
Қ. САИДИНОХУНОВ.

БЕКОБОД. Шу кунларда «Чаноқ» совхозининг беполн пахтазорларида 76 «зангори кема» жавлон урмонда. Юбилей йилида 4 минг тоннадан ортиқ пахтани хирмонга бункерлардан тўкишга бел боғлаган азамат механизаторлар кун сайин кўпроқ «оқ олтин» териб олишга муваффақ бўлмоқдалар. Райондаги 3-«Далварзин» совхозида қўл билан пахта теришда комсомол қизлардан У. Раҳмонова, Б. Эркулова, Т. Хидирова ўртоқлар бошқаларга намуна кўрсатишяпти.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ,
К. БЕГМОНОВ,
О. ЭГАМҚУЛОВ.

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Пирик пахтакор хўжалик бўлган «Ленин йўли» колхозида йиғим-терим ишлари дастлабки кунларданоқ авж олдириб юборилялти. «Зангори кема»ларни моҳирона бошқараётган механизаторлар суръатни жадаллаштиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Шу билан бир қаторда чевар теримчилар ҳам хирмонга барака киритишяпти. Н. Саидолимова, Г. Тоштенова, М. Холбоева, К. Багирова каби ўртоқлар кунлик нормани бир ярим ҳиссага етказиб адо этишяпти. Райондаги «Партия XXII съезди» колхозининг ўртоқ Ш. Жалолов бошлиқ участкасида гектар бошига 30 центнердан хирмон кўтариш учун қизғин кураш кетяпти.

А. ДОЛИМОВ,
Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА УЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ УЮШТИРИШ ИШЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети «Меҳнаткашларнинг хатларини кўриб чиқиш ва уларни қабул қилишни уюштириш ишларини яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда айтиладики, совет ташкилотлари партия, совет, касаба союз ва хўжалик органларига юборилаётган ўзларининг хатларида катта сиёсий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган масалаларни кўтармоқдалар, саноат корхоналари, транспорт, қишлоқ хўжалигининг, маданият ва санъат, савдо, умумий овқатланиш ва муассасаларининг, аҳолига коммунал, маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг ишларини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритмоқдалар. Аризалар ва шикоятларда партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ишларидаги камчиликлар ҳам кўрсатилмоқда. Ижтимоий мулкка нисбатан нощудлик қилишаётганлигини, қонунлар ва совет фуқаролларининг ҳуқуқлари бузилаётганлигини кўрсатувчи фактлар келтирилмоқда.

Меҳнаткашларнинг хатлари партиянинг халқ билан алоқасини, давлат ишларини бошқаришда аҳолининг қатнашувини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришнинг муҳим формаларидан биридир, жамоатчилик кучини ифодалаш воситасидир, мамлакат турмуши тўғрисида аҳборот манбаидир. Шу сабабли партия меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашда ленинча принципларга қаттиқ риоя қилиш йўлини огишмай ўтказиб келмоқда. Хатлар, шикоятлар ва аризаларни кўриб чиқиш борасида партия, совет, касаба союз, хўжалик ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар кейинги йилларда бир мунча ижобий иш қилдилар. Хатлар, шикоятлар ва аризаларнинг аксарияти диққат-эътибор билан ўз вақтида кўриб чиқилмоқда, фуқароларни шахсан қабул қилиш яхшиланди.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети, меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашнинг аҳволи халқ оммасининг ташаббускорлиги ва ижодий активлигини ривожлантириш, аҳолининг кундалик эҳтиёжлари ва талабларига диққат ва эътиборни кучайтириш борасида партия XXIII съезди қўйган талабларга ҳали ҳам жавоб бермаётир деб ҳисоблайди. Кўпгина партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари хатларнинг моҳиятини ва характерини анализ қилмаётирлар, аҳолининг шикоятини туғдираётган сабабларв ва шароитни йўқотиш борасида амалий чоралар кўрмаётирлар, қимматли таклифларни ўз вақтида кўриб чиқиш тўғрисида тузук тамкўрлик қилмаётирлар.

Илтимослар ва шикоятларга эътиборсизлик билан қараладиган лигидан қаноатланмаётган хат авторлари жойларда ҳал қилиниши мумкин ва лозим бўлган масалалар устида Марказий партия ва давлат органларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Корхоналар, муассасалар ва идораларнинг раҳбарлари таклифлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқишда ҳамиша ҳам бевосита қатнашаётганликлари йўқ; баъзи ташкилотларда хатларда қўйилган масалаларни тўғри ҳал қилиш муддатларига риоя қилинишн доимий контроль остига олинмаган. Ариза берган кишиларнинг кўплари жавоб олишни узоқ вақт кутадилар ва неча марталаб эслатганларидан кейингина юзаки жавоб оладилар. Мансабдор шахсларнинг ҳаракатларидан шикоят қилинган баъзи хатларни кўриб чиқиш учун шу мансабдор шахснинг ўзига юборилган ҳоллари содир бўлмоқда. Шикоятларни текширнб чиқиш ва шикоятларнинг кўриб чиқилишини контрол қилиб туриш ишига маҳаллий советларнинг депутатлари, партия, совет ва касаба союз активлари етарли равишда жалб қилинмаётир. Айрим министрликлар, идоралар, халқ контроли ва прокуратура органларининг фаолиятида меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлаш тегишли ўрин олгани йўқ.

Иш билан келган одамларни қабул қилишнинг муайян тартибига ҳамма муассасалар ва ташкилотларда ҳам риоя қилинаётгани йўқ, қабул қилиш кунлари ва соатлари белгилаб қўйилган эмас, иш вақтидан ташқари вақтда одамларни қабул қилиш ташкил этилган эмас. Кўпинча меҳнаткашларни масалаларни ҳал қилиш учун зарур ҳужжатлари бўлмаган ходимлар қабул қиладилар. Илтимос билан келган кишиларга берилган ваъдалар кўпинча бажарилмай қолаверади.

Шу камчиликларга кўп жиҳатдан шу нарса сабаб бўлмоқдаки, совет, касаба союз ва хўжалик органларида аризалар ва шикоятларнинг ҳал қилиниши устидан лозим бўлган даражада партиявий контроль ўрнатилган эмас. Кўпгина партия комитетлари бу масалага доир ҳисоботлар ва ахборотларни аҳён-аҳёндагина эшитадилар, меҳнаткашларнинг хатларини диққат ва эътибор бериб холис кўриб чиқиш тўғрисида партия берган кўрсатмаларни огишмай бажаришни корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларидан ҳамиша ҳам қаттиқ талаб қилмаётирлар.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область, шаҳар ва район советларининг ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар, касаба союз ва комсомол органларига бу ишнн яхшилаш, меҳнаткашларнинг хатлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқишнинг, текширнш тартибига риоя қилишнинг система тик равишда текшириб туришлари мутлақо зарур; маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда кўриб чиқишнинг, текшири тартибига риоя қилишнинг систематик равишда текшириб туришлари мутлақо зарур; маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда меҳнаткашларнинг хатларини кўриб чиқиш ва уларни қабул қилиш масалаларини партия комитетларининг, ижроия комитетларининг, касаба союзлар комитетлари ва советларининг мажлисларида, меҳнаткашлар депутатлари советларининг сессияларида, министрликлар ва идоралар нинг коллегияларида мунтазам равишда муҳокама қилиб туриш ҳамда бу ишдаги камчиликларни йўқотишга доир оператив чоралар кўриш тавсия этилди. Меҳнаткашларнинг хатларини ҳар томонлама текшириш ва кўриб чиқиш ишига иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларининг аъзолари ва шу комитетлар аъзолигига кандидатлар, маҳаллий советларнинг депутатлари, партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари ревизия комиссияларининг аъзолари, халқ контроли комитетларининг аъзолари, совет ва касаба союз активлари жалб қилинсин.

Барча давлат ва жамоат органлари хатлар, аризалар ва шикоятларни ўзларига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда кўриб чиқишнинг, текшири тартибига риоя қилишнинг система тик равишда текшириб туришлари мутлақо зарур; маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда меҳнаткашларнинг хатларини кўриб чиқиш ва уларни қабул қилиш масалаларини партия комитетларининг, ижроия комитетларининг, касаба союзлар комитетлари ва советларининг мажлисларида, меҳнаткашлар депутатлари советларининг сессияларида, министрликлар ва идоралар нинг коллегияларида мунтазам равишда муҳокама қилиб туриш ҳамда бу ишдаги камчиликларни йўқотишга доир оператив чоралар кўриш тавсия этилди. Меҳнаткашларнинг хатларини ҳар томонлама текшириш ва кўриб чиқиш ишига иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларининг аъзолари ва шу комитетлар аъзолигига кандидатлар, маҳаллий советларнинг депутатлари, партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари ревизия комиссияларининг аъзолари, халқ контроли комитетларининг аъзолари, совет ва касаба союз активлари жалб қилинсин.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область, шаҳар ва район советларининг ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар, касаба союз ва комсомол органларига бу ишни яхшилаш, меҳнаткашларнинг хатлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқишнинг, текшири тартибига риоя қилишнинг система тик равишда текшириб туришлари мутлақо зарур; маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда меҳнаткашларнинг хатларини кўриб чиқиш ва уларни қабул қилиш масалаларини партия комитетларининг, ижроия комитетларининг, касаба союзлар комитетлари ва советларининг мажлисларида, меҳнаткашлар депутатлари советларининг сессияларида, министрликлар ва идоралар нинг коллегияларида мунтазам равишда муҳокама қилиб туриш ҳамда бу ишдаги камчиликларни йўқотишга доир оператив чоралар кўриш тавсия этилди. Меҳнаткашларнинг хатларини ҳар томонлама текшириш ва кўриб чиқиш ишига иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларининг аъзолари ва шу комитетлар аъзолигига кандидатлар, маҳаллий советларнинг депутатлари, партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари ревизия комиссияларининг аъзолари, халқ контроли комитетларининг аъзолари, совет ва касаба союз активлари жалб қилинсин.

Корхоналарда, муассасалар ва ташкилотларда аҳолини қабул қилиш учун белгиланган кунлар ва соатларга қаттиқ риоя қилиниши лозим.

Меҳнат тўғрисидаги мавжуд қонунларга риоя қилишнинг контрол қилиб туришни кучайтириш, меҳнат масалаларида ва бошқа масалаларда меҳнаткашларнинг шикоятларини келтириб чиқараётган сабабларни ва шароитни тугатиш чораларини кўриш; ҳуқуқий пропагандани кучайтиришни таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, совет қонунларини аҳоли орасида кенг тушунтириш тегишли ташкилотларга топширилди.

Марказий ва маҳаллий газеталар ва журналларнинг редакцион коллегиялари газетхон ва журналхонларнинг хатларини, катта ижтимоий сиёсий аҳамиятга эга бўлган шикоятлар ва сигналлар юзасидан қабул қилинган қарорларни, мазкур шикоятлар ва хатларда қўйилган масалаларни текшириш ва кўриб чиқишнинг конкрет натижаларини кўрсатиб систематик равишда эълон қилиб туришлари, хатлар билан ишлашнинг ижобий тажрибасини ёритиб боришлари, редакцияларда аризаларни кўриб чиқишни яхшилашлари мутлақо зарур. Шу билан бирга уйдирма-тухматларни ёзиб хат юборяётган шахсларни фош қилиб ташлаш ва танқид қилиш зарур.

Партия, совет ва касаба союз органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига матбуотнинг чиқишлари юзасидан ўз вақтида чоралар кўриш ҳамда бу ҳусусда газеталар ва журналларнинг редакцияларига хабар қилиб туриш топширилди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети чуқур қайғу билан билдирадиларки, колхоз ишлаб чиқаришининг кўзга кўринган ташкилотчиси, Тожикистон ССР Ҳўжанд районидаги «Москва» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Ўртоқ Саидҳўжа **Ўринхўжаев** 1967 йил 14 сентябрда вафот этди.

ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмаси коллективи меҳнат унумдорлигини тобора ошириб бориб, Улуғ Октябрь юбилейига муносиб совға тайёрлади. Улар ҳозир пландан ташқари 12 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муяссар бўлдилар.

Айниқса, 6-цех ишчилари эришаётган муваффақият қувонарли. Улар ойлик топшириқларни мунтазам 110—115 процентдан адо этишяпти. А. Носирова, С. Ниёзмуҳамедова сингари меҳнатсеварлар байрамолди мусобақасида пешқадамлик қилмоқдалар.

М. АФЗАЛОВ.

ЯНГИ КВАРТАЛЛАР

— Қурувчиларимиз,— дейди қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи Геннадий Мальчевский,— намунали ишлаганликлари учун 7 минг сўм мукофот олишга муяссар бўлдилар. Шу кунгача бинокорларимиз 7872 квадрат метр майдонни эгаллаган учта уликн турар-жой биносини фойдаланишга топширдилар. Юбилей йилида жами 11 минг квадрат метр уй-жойни тошкентликларга совға этмоқчимиз.

Ц-5 кварталида янги юбилей объекти қад кўтараяпти. Болалар комбинати, савдо маркази ҳам ярославллик қурувчилар қўли билан бунёд этилмоқда.

А. КИМ.

ТОШКЕНТ МОДАЛАРИ

МОСКВАДА ўтказилаётган халқаро модалар кўригида 24 мамлакат вакиллари қатнашмоқда. Чеварлар эркаклар ва аёллар пальтолари костюмлар, доимий ва байрам кулари кийиладиган кўйлакларнинг янги нусхаларини, дам олиш пайтида ва спорт

кийимлар кийиш маъқул эканлигини намойиш этишяпти. Уст-бошлар билан пойафзаллар ва бош кийимларнинг янги модалари ҳам кўрсатилмоқда.

Тошкент модалар уйи чеварлари намойиш этган кийимлар томошабинларга манзур бўлди. Шойидан тикилган турли кўйлакларни кийиб саҳнага чиққан тўққиз қиз ҳамманинг ҳавасини келтирди. «Наманган», «Баҳор», «Студентлар», «Қўшилган кун» модалари москваликларга маъқул келди.

Ч. АПАРНИКОВ

В. И. ЛЕНИН ВА ТУРКИСТОН

Октябрнинг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан

Гражданлар уруши тамомлангач, Совет Туркистони коммунистлари олдида республика халқ хўжалигини тиклаш вазифаси турар эди. Ўтмишда қолоқ бу мустамлака ўлкаси уч йиллик урушда тағин ҳам хароб бўлганди.

Туркистон экономикасида ҳал қилувчи соҳа қишлоқ хўжалиги бўлиб, граждалар уруши пировардида унинг аҳволи жуда оғирлашиб қолган эди. Суғориладиган ерлар майдони 1905 йилги экин майдонларининг тахминан 30 процентини ташкил этарди. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачилик маҳсулоти урушдан илгариги миқдорнинг 15 процентига тенг эди, холос. Суғориш системаси издан чиққан. Саноатнинг аҳволи ҳам аянчли эди. Урушдан илгариги зўр базўр ишлаб турган ярим кустар типидаги кичик-кичик корхоналар энди тамоман хароб ҳолга келганди. Ёқилғи танглигидан поездлар қатнови ҳам қисқарарди. Босмачилар босиб олган районларда очарчилик хукм сурарди.

Туркистон меҳнаткашлари ана шундай қийин аҳволдан фақат қардош рус халқининг ёрдами билангина қутулишлари мумкин эди.

Совет Туркистони душманлар қуршовида бўлган йилларда В. И. Ленин ҳарбий ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда республиканинг хўжалик ҳаётини тез суръатларда юксалтириш борасида катта ғамхўрлик қилди. 1918 йилда ёш, Совет давлати ўз бошидан жиддий қийинчиликлар кечириб турган бир пайтда В. И. Ленин РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш ҳақида ва шу ишларни ташкил этиш тўғрисидаги» Декретини имзолади. Бу Декретда Мирзачўл ва Фарғона областидаги юз мингларча гектар ерга сув чиқариш назарда тутилган эди. Шу билан бирга В. И. Ленин ирригация ишига ғоят катта аҳамият бериб, Туркистонга ирригация асбоб-анжомлари ортилган бир поезд юбориш ҳақида РСФСР Халқ Хўжалиги Олий Советига кўрсатма беради.

1918 йил сентябрда Москвада Туркистон Марказий ваколатхонаси ташкил қилинади. Бу муассаса РСФСР Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг раиси Я. М. Свердловнинг ташаббуси билан таъсис этилган. Унинг вазифаси Туркистон республикаси ҳаётига доир барча масалаларни ҳал қилиб туриш эди. Кичкина штатга эга бўлган бу Ваколатхона катта ва ғоят муҳим ишларни бажарди. Ваколатхона ҳузуридаги қурилиш-саноат бўлими қурилиш ишларини пойиҳалаш ва Туркистон республикасини саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт учун керакли қурилиш материалларини ва ускуналарни билан таъминлаш масалалари устида иш олиб боради.

Москванинг таъминот ташкилотлари 1918 йилдаёқ В. И. Ленининг Туркистон эҳтиёжларини кондириш ҳақидаги кўрсатмасини олдилар ва РСФСР Озиқ-овқат комиссарлиги 20 миллион сўм пул ва Туркистон учун ғалла сотиб олишни кучайтиришга 10 миллион сўмлик мол ажратди. Москвадан кўплаб ҳарбий, санитария ва озиқ-овқат юклари Ваколатхона воситачилигида Туркистонга жўнатиб турилди.

В. И. Ленин мамлакат экономикасини тиклашда Туркистоннинг ролига катта баҳо берган эди. 1919 йил 9 октябрда В. И. Ленининг кўрсатмаси бўйича ВСНХ мажлисида Туркистонни ғалла, металл, газлама, запас қисмлар, кўмир билан таъминлаш масаласи кўйилади. Шу йил сентябрига келиб Туркистон фронти қисмлари кетма-кет муваффақият қозона бошладилар. Доҳи Туркистон билан мамлакатнинг марказий районлари ўртасида алоқа ўрнатишни якин кунларнинг иши, деб ҳисоблади. У Тошкент ижроия комитетига юборган телеграммасида бундай деб ёзган эди: «Совет Россияси билан Совет Туркистони қўшилиш олдида турганлиги сабабли тездан ҳамма кучни паровозларни ва ҳаракат составини ремонт қилишга бериш керак. Революция ва Қизил Армия ғалабасидан Туркистон ва Россиянинг иқтисодий турмушини юксалтириш учун фойдаланиш керак. Қизил Туркистонга салом. Мудофаа Советининг раиси Ленин».

Бу чақириққа жавобан темирйўлчилар социализмнинг узил-кесил тантанаси учун курашда ўз кучларини аямасликка қасамёд қилдилар.

Туркқомиссия Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, Туркистонда ирригация ишларини яхшилаш чораларини кўради. 1920 йил ноябрда Туркқомиссиянинг ташаббуси билан Туркистон республикаси ерларини суғориш бўйича Олий Совет тузилди. У мавжуд суғориш тармоқларини тиклаш ва янги суғориш тармоқлари барпо этиш билан шуғулланиши керак эди.

Чегарадош мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиш ишларига раҳбарлик қилиш учун Туркқомиссия ҳузурида аввал ташқи алоқалар бўлими, кейин ташқи савдо бўлими ташкил этилди.

1920 йилда В. И. Ленин РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ва Озарбайжон республикаларида пахтачиликни тиклаш тадбирлари ҳақидаги қарорини имзолади.

1920 йил ёзида Туркистонга ипак йигириш, ипак ўраш ва ипак тўқиш фабрикаларининг ускуналари юборилди, булар Фарғона ва Марғилонга жойлаштирилди. Уша йили кузда ўлкага яна йигириш фабрикаси ва кўн заводи юборилди.

Коммунистик партия мамлакат экономикасини тиклашга отланган меҳнаткашлар оммасига бошчилик қилди. Бунда ўлка коммунистлари Ленининг Совет Туркистонининг турмуш шароитидаги хусусиятларини, республиканинг умумий иқтисоди, қолоқлигини, унда пролетариатнинг озлигини, мустамлака ўтмишининг сарқитларини, ер мулкларини сақлаб қолган бой ва қулоқларнинг қаршилик курсатишларини ҳисобга олиб иш кўриш ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилдилар.

Туркистонда ирригацияни тиклаш масаласи доимо В. И. Ленининг диққат марказида турар эди. 1921 йилда РКП(б) Марказий Комитети узоқ вақтдан бери партия ходими бўлган Э. Кадомцев бошлиқ бир группа ирригаторларни Туркистон республика сув хўжалигининг бошлиғи қилиб тайинлаган эди. Ирригация қурилишлари учун ўша йили Туркистонга яна уч эшелон ускуна юборилди. РСФСР ҳукумати бузилган ирригация иншоотларини ишга солиб юбориш ва янгиларини қуриш учун тўрт йил мобайнида (1921—1924) 100 миллион сўмдан ортиқроқ пул ажратди. Бу маблағ қисқагина бир муддатда 500 минг гектардан ортиқ ерга сув чиқаришга имкон берди.

1922 йилда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) барпо этилди. Бунинг илҳомчиси ва ташкилотчиси В. И. Ленин эди. Ленининг тўғри миллий сиёсатни амалга ошириш, СССРни мустаҳкамлаш тўғрисида қандай ғамхўрлик қилганлиги мана шу муҳим тарихий воқеа мисолида яққол кўриниб турибди. Ленин СССРда миллий масалани тўғри ҳал қилиш фақат Совет мамлакати учунгина эмас, балки Осиё ва Шарқнинг ўзларча миллион одамлари учун ҳам ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этган эди.

Партия XII съездининг резолюциясида қайд этилган эдики, партия улуғ давлат шовинизмига ва миллатчиликка қарши кескин кураш олиб борган тақдирдагина СССР сақланиши ва мустаҳкамланиши мумкин. Туркистон республикаси СССРга РСФСРнинг таркибий қисми сифатида кирди. Шундан кейин Туркистонга хўжалик ёрдами яна ҳам кучайтирилди, ўлка халқларининг улуғ рус халқи билан, мамлакатимизнинг бошқа халқлари билан дўстлиги тағин ҳам мустаҳкамланди.

Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган чоралар қаторида Совет ҳукумати қишлоқ хўжалик ишлари учун қарз бериш масаласига катта аҳамият берди. Меҳнат ва Мудофаа Советининг 1923 йил 12 январдаги қарорида Туркистонда қишлоқ хўжалиги ишлари учун қарз беришни ташкил қилиш масалаларини биринчи навбатга қўйиш зарурлиги ёзилган эди.

Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ҳузуридаги қишлоқ хўжалигига ёрдам Комитетининг 1923 йил 27 февралда М. И. Калинин раислигида ўтказилган мажлисида районларга маблағлар юборишнинг календарь сметаси тасдиқланади. Шунда Туркистонга бир ярим миллион сўм ажратилади.

Совет ҳукумати Туркистонда темир йўллар қурилишига, айниқса Еттисув темир йўли қурилишига жиддий эътибор берди. Бу темир йўл ғаллага бой Еттисув областини пахтакор Туркистон билан боғлаши керак эди. СССР Меҳнат ва Мудофаа Советининг 1923 йил 5 октябрдаги қарори билан Алоқа йўллари халқ комиссарлиги ҳузурида Ф. Э. Дзержинский раҳбарлигида Еттисув темир йўли қурилиши комитети тузилди.

Тошкент меҳнаткашларининг шаҳарда электр станция қуриш ҳақида қилган илтимосларига кўра, СССР Давлат План Комиссиясининг раиси Г. М. Кржижановский гидростанция қуриш имкониятини аниқлаш учун 1923 йилда бир профессор ва бир неча инженердан иборат махсус комиссия тузди. Бир неча ойдан кейин, комиссиянинг фикрига асосан, Бўзсув гидростанциясини қуришга 350 минг сўм ажратилди. Бу — В. И. Ленининг Россияни электрлаштириш ҳақидаги идеялари асосида тузилган улуғвор ГОЭЛРО планининг кичик бир зиёси эди.

Туркистон Республикасининг меҳнаткашлар оммаси Иттифоқ ҳукуматининг беғараз ёрдамига жавобан Туркистон экономикасини ривожлантиришга бор кучларини сарф қилишга сўз бердилар. Қуйидаги ҳужжат шундан бир нишонадир. «...Биз, «Қўшчи» совхозида бирлашган Фарғона меҳнаткашлари, шуни маълум қиламизки, ташкилот тузилганлигининг тўртинчи йилида ҳам революцион Қизил байроғимизни ўз қўлимизда баланд ва маҳкам тутамиз ҳамда ўзимизнинг кундалик ишимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ва республиканинг иқтисодий қудратини оширишга бутун чоралар билан интиламиз».

Иттифоқ ҳукуматининг ёрдами ва республика меҳнаткашлар оммасининг активлиги туфайли 1924 йил охирига келиб пахтачилик, ипакчилик, ғаллакорлик, боғдорчилик ва чорвачиликни ривожлантиришда муваффақиятга эришилади. Нефть ва тошкўмир саноатида ҳам юксалиш рўй берди.

В. И. Ленининг Туркистон халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш ҳақида қилган ғамхўрлиги илгари қолоқ, бўлиб келган ўлкада маданий қурилишни бутун чоралар билан ривожлантириш билан ҳам узвий боғланган эди.

Серго Оржоникидзе партиянинг Шарқдаги йирик намояндаси деб баҳоланган Н. Н. Нариманов чор Россияси собиқ чекка ўлкаларининг тақдири ҳақида ўзининг В. И. Ленин билан бир неча марталаб қилган суҳбати тўғрисида ёзиб, Владимир Ильич чекка ўлкаларда намунавий мактаб яратиш ҳақида жон куйдиргани ва бу билан фақат бўлажак Шарқ ходимлари тайёрлашгина эмас, балки Шарқнинг кўп миллионли меҳнаткашлар оммасининг онгли ва қалбига бевосита таъсир қилиш истагини айтади.

Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилганга қадар Туркистон аҳолиси деярли ёппасига саводсиз эди. Шу сабабли бу ўлкада катта маданий-маорифий ишларни йўлга қўйиш зарур эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, Туркистонда маданий революция бошланган бир шароитда, катта қийинчиликларга қарамасдан, миллий совет мактаблари тармоғи яратилди, ўқитувчилар тайёрлаш учун курслар, билим юртлари очилди. Туркистон меҳнаткашларининг маданий савиясини кўтариш учун ёлғиз умумий таълим мактаблари очиш билангина чекланиб қолингани йўқ. Туркистон Марказий Ижроия Комитети аҳолининг 16 дан 40 ёшгача бўлган қисми орасида саводсизликни туғатиш тўғрисида декрет қабул қилди. Ўлкада олий таълимни ривожлантириш борасида ҳам Ленин жуда кўп жон куйдирди.

Серго Оржоникидзе партиянинг Шарқдаги йирик намояндаси деб баҳоланган Н. Н. Нариманов чор Россияси собиқ чекка ўлкаларининг тақдири ҳақида ўзининг В. И. Ленин билан бир неча марталаб қилган суҳбати тўғрисида ёзиб, Владимир Ильич чекка ўлкаларда намунавий мактаб яратиш ҳақида жон куйдиргани ва бу билан фақат бўлажак Шарқ ходимлари тайёрлашгина эмас, балки Шарқнинг кўп миллионли меҳнаткашлар оммасининг онгли ва қалбига бевосита таъсир қилиш истагини айтади.

Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилганга қадар Туркистон аҳолиси деярли ёппасига саводсиз эди. Шу сабабли бу ўлкада катта маданий-маорифий ишларни йўлга қўйиш зарур эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, Туркистонда маданий революция бошланган бир шароитда, катта қийинчиликларга қарамасдан, миллий совет мактаблари тармоғи яратилди, ўқитувчилар тайёрлаш учун курслар, билим юртлари очилди. Туркистон меҳнаткашларининг маданий савиясини кўтариш учун ёлғиз умумий таълим мактаблари очиш билангина чекланиб қолингани йўқ. Туркистон Марказий Ижроия Комитети аҳолининг 16 дан 40 ёшгача бўлган қисми орасида саводсизликни туғатиш тўғрисида декрет қабул қилди. Ўлкада олий таълимни ривожлантириш борасида ҳам Ленин жуда кўп жон куйдирди.

Партия йиғилиши Қорабековга унинг шахсий карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор бериш ҳамда вазифасидан четлатишга қарор қилди.

Район партия комитетининг бюроси бошлангич партия ташкилотининг қарорини маъқуллади.

Ш. ҒАНИЕВА,
Оржоникидзе район партия комитетининг секретари.

ЎҚУВ кинолекталари

Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти педагогика кабинетида Ўзбекистонда биринчи бўлиб, ўқув фильмлари фильмотека ва фонотекаси ташкил қилинди.

СССР олий таълим министрлиги томонидан чиқарилган қисқа метражли ўқув фильмлари расмлари туширилган 60 минг метр лента олинди. Бу лекталардан ўрта мактабларда, профессионал-техника билим юртларида, ишчи ёшлар мактабларида ўқув материаллари сифатида фойдаланиш мумкин. 10 минутдан 30 минутгача давом этадиган қисқа метражли географик фильмлар орасида «Эфиопия, Яман, Қоҳира ва бошқа мамлакатлар ҳаёти ва табиати билан таништирувчи кадрлар, ҳайвонот олами ҳақида ҳикоя қилувчи лекталар ҳам бор. «Ернинг сунъий йўлдошлари» фильми эса космик фазони ўзлаштиришдаги ютуқларимиз ҳақида ҳикоя қилади. Политехника таълимига оид фильмлар ўқувчиларга дурадгорлик, сувоқчилик, бўёқчилик ва бошқа касблар бўйича тушунча беради.

Чет тиллари дарслари, музика ва вокал асарлар ёзиб олинган магнитофон лекталари фонотека бўлими бойлиги саналади. Ўқув фильмлари ва фотопленкалар шаҳар ва қишлоқ мактабларига вақтинчалик фойдаланиш учун бепул прокатга берилади.

Р. СОБИТОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг шу йил 30 июль сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган аҳлоқ темасидаги мақолада «Октябрь» колхози тафтиш комиссиясининг раиси, КПСС аъзоси Исмоил Қорабековнинг фарзанди Нозиманинг оиласи ва бола тарбиясига бефарқ қараганни, шунингдек унинг катта қалин эвазига қизини ажратиб олиб, бошқа иккинчи кишига эрга бериб юборганни танқид қилинган эди.

Оржоникидзе район партия комитети мақола юзасидан махсус комиссия тузди. Мақолада кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Бу мақола «Октябрь» колхози коммунистларининг умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Коммунистлар Қорабековнинг ҳатти ҳаракатини қаттиқ қоралашди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ҳақидаги мақолага муносабат

„ЖАҲОЛАТ ҚУРБОНЛАРИ“

50 ЙИЛ ТОШКЕНТ РЕВОЛЮЦИОН ВОҚЕАЛАРИ ХРОНИКАСИ

1917 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ

3 СЕНТЯБРЬ. РСДРП Тошкент ташкилотининг йиғилишида ҳокимиятга муносабат масаласи ва ташкилий тадбирлар муҳокама қилинди. Қабул қилинган резолюцияда вайронгарчилик ва ҳарбий кризисдан қутилиш йўлини очувчи ягона ҳокимият ишчи ва солдат ўлка депутатлари Советларидир, деб қайд қилинди.

5 СЕНТЯБРЬ. Тошкент пассажир депосида 300 дан ортиқ ишчи ва хизматчи иштирокида умумий йиғилиш ўтказилди. А. Я. Першин доклади юзасидан ҳокимиятни Советлар қўлига топшириш талаб қилинган резолюция қабул қилинди.

12 СЕНТЯБРЬ. Эрталаб 1-Сибирь ўқчи запас полкининг митингида Александр паркида ўтказилаётган митингда қўшилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Александр паркида Тошкентнинг ишчи ва революцион солдатлари митинг ўтказишди. Унда иштирок қилган 6 мингдан ортиқ киши большевикларни қўллаб-қувватлаб, Вақтли ҳукуматнинг контрреволюцион фаолиятини қатъий фош қилдилар. Митинг РСДРП(б)нинг VI съезди қарорлари асосида резолюция қабул қилди. Митингда, шунингдек Вақтли революцион комитет тузилди.

Озодлик уйида ўтказилган Тошкент Совети билан Вақтли революцион комитетнинг қўшма мажлисида Тошкент Советининг янги составдаги Ижроия комитети сайланди.

13 СЕНТЯБРЬ. Вақтли революцион комитет ва Тошкент Советининг ижроия комитети ўлка Советининг вазифаларини бажаришни ўз устига олиши ҳақида ўлка Советига хабар берди.

Шу куни улар Туркистондаги барча Советларга телеграмма юбориб,Тошкентда ҳокимият ишчи ва солдат депутатлари Совети қўлига ўтганлигини хабар қилдилар ва ишдан бўшатилган лавозим эгаларининг кўрсатмаларига бўйсунмасликни таклиф қилдилар.

Шайхантовур масчити олдида эски шаҳарнинг 15 минг кишилик аҳолиси митинг ўтказди. Митинг резолюциясида Вақтли революцион комитет ва Тошкент Советининг большевиклар фракциясига тўла ишонч билдирилди.

14 СЕНТЯБРЬ. Озодлик уйи олдида стихияли равишда митинглар ташкил қилиниб, уларда ишчилар ва солдатлар янги Ижроия комитет ва Вақтли революцион комитетнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлаяжаклари н и изҳор қилиб, сўзга чиқдилар.

Туркистон комитетининг раиси Петроградга, Керенскийга телеграмма юбориб, Тошкентдаги аҳвол ҳақида маълум қилди ҳамда Петроградан қўшинлар қўмондонини дарҳол белгилашни илтимос қилди.

17 СЕНТЯБРЬ. Тошкент Советининг Ижроия комитети мажлисида Туркистон Комитетига норозилик билдирилди. Бу ҳақдаги қарорда Туркистон комитети Вақтли ҳукуматга Тошкентдаги воқеалар ҳақида нотўғри маълумотлар берганлигини фош қилди, шу асосда қатор тадбирлар белгиланди.

18 СЕНТЯБРЬ. РСДРП Тошкент ташкилоти шаҳар аҳолисига мурожаат қилиб Туркистон комитети Вақтли ҳукуматга ўлкадаги аҳвол тўғрисида нотўғри маълумотлар юбориб, Петроградда катта ваколатлар олганлиги ва улардан революцион ҳаракатни бостириш учун фойдаланишни кўзлаётганлигини баён қилди.

Тошкент Совети Ижроия комитети ва Туркистон комитети вакиллари ўртасида музокаралар бошланиб, унда Ижроия комитетга қилинган ультиматум талаблари бекор қилинди.

19 СЕНТЯБРЬ. Керенский Самарада турган полковник Коровиченкога телеграмма юборибб, Тошкентга мумкин қадар тезроқ етиб боришни сўради ва «исёнчилар билан» ҳеч қандай музокараларсиз «тартиб» ўрнатиш учун қатъий чоралар кўришни талаб қилди.

20 СЕНТЯБРЬ. Тошкентга жазо экспедициясини юборилишга қарши ишчиларнинг умум забастовкаси ўтказилди. Иш ташлашда 40 касаба союзларининг аъзолари қатнашди. Темир йўл устахоналарининг ишчилари, электростанция, трамвай депоси, босмахона ва бошқа корхоналарнинг ишчилари қўшилишди. Извошчилар, ресторан, ошхона, меҳмонхона, ремонт устахоналарининг ишчи ва хизматчилари ҳам иш ташлашди. Стачка комитети уларга раҳбарлик қилди.

21 СЕНТЯБРЬ. Ишчиларнинг умум забастовкасига Бородин устахоналарининг ишчилари ва иккита депо ишчилари қўшилишди.

Касаба союзларининг марказий бюроси иш ташлаган аҳолига мурожаат қилиб, уларнинг сафларини янада мақкамроқ жипслаштириш ва айрим-айрим чиқишларга йўл қўймасликка даъват қилди. Марказий бюро 18 касаба союзлари номидан Туркистон ҳукуматига жазо отрядини қайтариб юбориш, Совет комиссарларини ўлканинг граждан ва ҳарбий бошқарув ишига қатнашишига рухсат бериш ҳамда контрреволюцион ишларда қатнашган қўмондонлик составидаги кишиларни ишдан бўшатишни талаб қилди. Шунингдек, қўшин қисмлари казармаларидан фақат Тошкент Совети ижроия комитети рухсати билан олиб чиқиш тартиби белгилансин, деб таклиф қилинди.

22 СЕНТЯБРЬ. Ака-ука Гольдбергларга қарашли савдо уйининг корхонасида иш тўхтатилди. Завод ишчилари умумшаҳар забастовкасига қўшилишди. Худди шу куни кўн заводида ҳам ишчилар иш ташлашди.

23 СЕНТЯБРЬ. РСДРП маҳаллий ташкилоти большевистик группасининг кенгаши ўтказилиб, унда Коровиченко эшелони Тошкентга келиши билан вокзалга ишчилар юборишга қарор қилди. Улар солдатларнинг кайфиятини билишлари ва ишчилар забастовкасининг максадини тушунтиришлари лозим эди.

24 СЕНТЯБРЬ. Коровиченконинг жазо экспедицияси Тошкентга келди.

Тошкент станциясида Умум Россия темир йўли ишчиларининг забастовкасига қўшилиш мақсадида 11 кишидан иборат узел стачка комитети ташкил қилинди.

Тошкент ишчиларининг стачка комитети Туркистон комитетига қуйидаги талаблар билан чиқди.

Тошкент Совети ваколатли революцион орган деб тан олинсин; ҳарбий ҳолат бекор қилинсин. Туркистон комитети раҳбарлари В. П. Наливкин ва И. Н. Шендриков ишдан бўшатилсин; революцион демократия ва қўшин вакилларининг дахлсизлиги таъминлансин; Туркистон комитетининг барча ҳаракатлари дарҳол текшириб кўрилсин;

Стачка комитети юқоридаги талаблар тўла қондирилмагунича забастовка давом этаверади деб Туркистон комитетини хабардор қилди.

25 СЕНТЯБРЬ. Тошкент Совети Ижроия комитети ўзининг кечки мажлисида стачка комитети вакиллари иштирокида Тошкент Совети Туркистон комитети билан алоқа ўрнатиши мумкинлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Комитет шуни қайд қилдики, Туркистон ҳукумати ҳарбий ҳолатни бекор қилган, текшириш комиссиясини гузган ҳоллардагина бундай алоқа ўрнатиш имконияти туғилади.



ТОШКЕНТЛИК 40 оила аъзолари Ц-7 микрорайонида қардош украин бинокорлари бунёд этган янги кўпқаватли кўркам бинога кўчиб ўтишяпти.

М. Ларионов фотоси, (ЎзТАГ).



МОСКВАЛИКЛАР зилзиладан зарарланган тошкентликларга кўркам турар-жой бинолари қуриб беришда зўр ҳиммат ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар юбилей йили охиригача 100 минг квадрат метр турар-жой биноларини қўлдан чиқаришга астойдил интилишяпти. Суратда: пешқадам ғишт терувчилардан Анатолий Додонов ва Вячеслав Беркутов ўртоқлар.

Р. Шамсуддинов фотоси, (ЎзТАГ).

Она-Ватан бўйлаб

ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

УФА. И. Ибрагимов ва Х. Шаймухаметовлар бошлиқ механизациялашган колоналар Мокроус—Тольятти ўртасида янги газ қувурининг дастлабки километрларини ётқизишдилар. Ер ости линиясининг узунлиги 400 километр бўлади.

* * *

Старлитамоқ сода-цемент комбинати оқ қурум ишлаб чиқара бошлади. Бу оқ қурум Бошқирдистон улкан ҳимоясининг арзон маҳсулотидан ишлаб чиқарилмоқда. Бу қурум, шина, электро техника ва лак-бўёқ саноатида кенг қўлланилади.

* * *

РИБИНСК. Рибинскдаги полиграфия машиналари заводида «Уральский рабочий» нашриёти учун йирик ротацион машинаси жўнатилди. Бу машинада газета, журнал ва бошқа нашрларни икки рангда босиб чиқариш мумкин. Машинани Свердловскга етказиб бериш учун 40 та темир йўл вагони талаб қилинди. Рибинскликлар Киевдаги «Радянска Украина» нашриёти учун бундан ҳам катта ротацион машина тайёрламоқдалар.

* * *

ОЛМАОТА. Қозоғистон металлургларининг Лениногорск шаҳрида трикотаж фабрикаси қурила бошланди. Фабрика ҳар йили олти миллион буюм ишлаб чиқаради.

КРАСНОВОДСК. Туркманистоннинг ғарбида яна бир қувур магистрали—Небиддоғ—Жебел қувури ётқизилди. Янги водопровод Ясихон—Небиддоғ ва Жебел—Красноводск сув қувурларини бирлаштирди.

* * *

КРИВОЙ РОГ. Шаҳарнинг шарқий чеккасида барпо этилган янги микрорайондаги дастлабки 90 квартирали уйларга аҳоли кўчиб кирабошлади. Бу уй-жой массивида Кривой Рог уйсозлик комбинати ўзлаштирган яхшиланган сериядаги уйлар қурилмоқда. Бундай уйлар 36 кун ичида монтаж қилинмоқда.

* * *

ХЕРСОН. Петровский номидаги комбайн заводида марокли социологик тадқиқотлар ўтказилди. Завод коллективи шаҳарда биринчи бўлиб беш кунлик иш ҳафтасига ўтди. Бу ерда ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан, иш вақтининг бекор кетиши кескин равишда камайди. Масалан, касаллик бўйича отпускалар 16,7 процент камайди, меҳнат унумдорлиги эса, 14 процент ошди.

МЕВА МЎЛ БЎЛДИ

Боғ. Ўртадаги шийпонга чиқиб ишкомларга бир боқинг-а. Тартиб билан сўриларга тараб қўйилган токлардаги узум бўлтиндек товланади. Энг кичиги икки килограмм. 3—4—5 килограммлик узум бошлари ҳам кўп. Ҳусайни, каттақўргон узумлари бирам етилганки, асти қўяберасиз. Уларни кўрган киши соҳибкорларнинг баракали меҳнатига қойил қолади. Қўлларингиз дард кўрмасин, дейди.

Ўртоқ Худойназар Умаров бошлиқ мевачилик-узумчилик бригадасининг аъзолари мўл ҳосил етиштиришда олдинда келмоқда. Меҳнатни сидқидилдан севган соҳибкорлар ҳар йилгидек бу йил ҳам мўлжалдагидан анча кўп ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Ҳозир 135 гектар боғнинг ҳар гектаридан 100 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Соҳибкорлар боғида мева кўп, яна камида 60 центнердан мева йиғиб олиш ҳаракатидалар.

Юбилей йили вахтасида туриб зўр ғайрат кўрсатган коммунист Абдураҳим Ниёзматов бошлиқ соҳибкорларнинг ажойиб ютуқлари ҳақида ҳам ҳар қанча ёзса арзийди. Улар мўл узум етиштиришда намуна бўлишмоқда. Уч гектар узумзордан 250 центнердан ҳосил топширишди. Бу пландагига нисбатан ҳар гектарига 100 центнердан кўпдир. Ҳаким Пўлатов бошлиқ звенонинг соҳибкорлари ҳам юбилей йилида ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. Звено аъзолари 130 ўрнига 200 центнердан ширали узум топширишди.

Бригада аъзолари мева сотиш юзасидан ўз зиммаларига юклатилган планни 140 процент қилиб адо этишди. Узум топшириш плани ҳам бажарилди. Шу кунларда колхоз соҳибкорлари пландан ташқари маҳсулот топширишни давом эттирмоқдалар.

М. ҒОЗИЕВ,
Калинин районидаги «Ленин йўли» колхози.

БОРДОНКЎЛ БАЛИҒИ

Бордонкўл балиқчилари 32 ҳовузда «Зеркалний карп», «Белий амур» каби кўплаб балиқ турларини ўстирмоқдалар. Бу ерда ҳар бир балиқчанинг оғирлигини 25 грамм ўрнига 30 граммга етказиш учун кураш кетаяпти.

Бу йил Бордонкўл питомниги балиқ етиштирувчи хўжаликларга 2 миллион 200 минг балиқ боласини етказиб бериши керак. Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози ўтган йили бу ердан 75 минг, «Политотдел» колхози эса бу йил 10 минг, «Правда» колхози 50 мингта балиқ сотиб олиб, ўзларида ҳам балиқчилик хўжалигини ташкил этдилар.

Ўртоқ Раҳмонқул Усмоналиев қарийб 15 йилдан буён балиқчилик соҳасида ишлаяпти. Тажрибали балиқчи балиқларни ўз вақтида озуқа билан таъминлаб туришга катта эътибор бермоқда. У ёш балиқчаларни озиқлантиришда бош-кош. Озуқа беришда Карим Чиннибеков, Л. Когай, А. Верегин, Р. Саъдуллаев, А. Хайруллина, Л. Ҳайдарова ва бошқа ўртоқларнинг меҳнатлари эътиборга лойиқ. Бу пешқадамлар ҳамиша балиқлар парваришини кучайтириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳадемай ёш балиқларни хўжаликларга тарқатиш даври бошланади. Балиқчилар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги кунигача тўла адо этиш иштиёқи билан меҳнат қилишмоқда.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

ШИНГИЛ САТРЛАР

Область пропагандистларининг уч кунлик семинари бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари область партия комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири У. Абдураззоқов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ходими М. Узбеков, область комсомол комитетининг секретари Х. Солиҳов ва бошқа ўртоқларнинг лекцияларини тинглашди.

Ш. ТУНҒАТОВ.

✦

Ўрта Осиё темир йўли ишчилари ва хизматчилари Октябрь 50 йиллиги байрамини муносиб совғалар билан кутиб олишга пухта тараддуд кўришаяпти. Бу ишда рационализаторлар ва ихтирочилар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Улар саккиз ой мобайнида 2 мингга яқин таклиф киритдилар. Натижада 800 минг сўмлик маблағни тежаб қолиш имкони туғилди.

А. ПАРИМОВА.

✦

Оққўрғоннинг Свердлов номли колхоз пиллакорлари бу йил 7900 килограмм ўрнига 11 минг килограммдан ортиқ пилла топшириб, районда планни биринчилар қаторида адо этишди. Бунда бригадирлардан Т. Мухатов ва А. Қўшбоқовларнинг ҳиссалари катта бўлди. Колхоз правлениеси бу икки пиллачи меҳнатини муносиб тақдирлади. Т. Мухатов ва А. Қўшбоқовлар бепул туристик йўлланма билан Москва—Ленинград шаҳарларини томоша қилиб қайтишди.

Т. ШЕРИКБОЕВ.

СЕРҚУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

АНДИЖОН. «Коммунист» ва «Андижанская правда» область газеталарининг мукофотини олиш учун Совет ҳокимиятининг ярим асрлик юбилейига бағишлаб якшанба куни ўтказилган эстафетада Андижон енгил атлетикачиларидан 500 киши қатнашди. Эстафета трассасининг умумий узунлиги 10687 метр бўлиб, 20 этапдан иборат эди. Биринчи группада Андижон ўқувчилари группасида 37-мактаб командаси энг кучли команда бўлди.

ТЭЦ ҚУВВАТИ ОШИБ БОРМОҚДА

ФАРҒОНА. Фарғонадаги Ленин номли ТЭЦда 60 минг киловатт қувватли тўртинчи турбогенератор монтаж қилина бошланди. Юбилей вахтада туриб ишлаётган монтажчилар котлоагрегатни Улуғ Октябрининг 50 йиллигигача муддатидан олдин фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар.



ЧОРВОҚ ГЭСининг азамат коллективи Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Барча участкаларда иш намунали бормоқда.

Н. Третьяков ва П. Коваленко фотоси.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чуқур қайғу билан маълум қиладиларки, колхоз ишлаб чиқаришининг кўзга кўринган ташкилотчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент область, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси Абдужамил **Матқобулов** узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 1967 йил 16 сентябрда вафот этди.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДАН

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети чуқур қайғу билан маълум қиладиларки колхоз ишлаб чиқаришининг кўзга кўринган ташкилотчиси, Тошкент область партия комитетининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси Абдужамил **Матқобулов** узоқ давом этган оғир касалликдан кейин 1967 йил 16 сентябрда вафот этди.

БИЗ УНИ СИРА УНУТМАЙМИЗ

Ўлим орамиздан атоқли деҳқон, ишчан ва ташкилотчи раҳбар, қадрли ўртоқни — Абдужамил Матқобуловни олиб кетди. У бизнинг дўстимиз, устозимиз эди. Биз у билан деҳончилик масалалари тўғрисида ҳаммавақт маслаҳатлашиб турардик. Унинг оқилона маслаҳатлари биз раҳбарлик қилаётган хўжаликларда ишнинг яхши боришида катта ёрдам берар эди.

Абдужамил ака деҳончиликни жон-дилидан севарди. У ҳамиша далаларда бўлар, боғларда юрар, фермаларни ҳолидан хабар олиб юрарди. Абдужамил ака колхоз кишлоғини ҳамиша обод, маданий ҳолда кўришни истарди. Шунинг учун ҳам бир неча йиллар давомида моҳирлик билан раҳбарлик қилган «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ҳамма қишлоқларида кенг ва текис кўчалар, шу кўчаларнинг икки томонида ҳашаматли уйлар қурилганлиги, қишлоқ марказида колхозчилар учун дам олиш уйи, маданият саройи барпо этилганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Биз у билан катта мажлисларда, ҳар хил маросимларда суҳбатлашганимизда ёки у бизнинг колхозга, биз унинг қишлоғига борганимизда гаплашганимизда у «деҳқон ўз меҳнатининг роҳатини кўриши керак, яхши ҳаёт кечириши керак» деб гапирарди. Ҳақиқатан ҳам сўнгги вақтларда бизнинг қишлоқларда «Қизил Ўзбекистон» колхозида қилинаётган ишлар амалга оширилянти.

Абдужамил Матқобулов — раислик қилган «Қизил Ўзбекистон» колхози республикамизнинг фахри эди. Биз шу қишлоқ марказига қурилган ҳашаматли маданият саройида бир неча бор катта мажлисларда иштирок этганмиз. «Қизил Ўзбекистон» колхозининг қишлоқларини кўп кўрганмиз. Биз бу колхоздаги ўзгаришлардан доим ибрат олардик.

Абдужамил ака коллектив хўжаликнинг ҳар бир тармоғи баравар юксалишини истарди. Бугунги кунда шу колхознинг ишлари билан танишганимизда унинг пахтачилиги ҳам, чорвачилиги ҳам, богдорчилиги ҳам, пиллачилиги ҳам, сабзавотчилиги ҳам юксалганлигини кишлоқ меҳнаткашлари бу ютуқлар билан қаноатланиб қолмай тобора илгарига ҳаракат қилаётганликларини кўрамиз.

Жуда кўп шогирдлари бўлган дўстимиз, устозимиз Абдужамил ака орамизда йўқ. Биз унинг порлоқ сиймосини сира унутмаймиз ва у орзу қилган ҳамма ишларни амалга оширамиз.

Алвидо, қадрдон дўстимиз Абдужамил ака!

М. МАЪМУРОВ, — Калинин районидаги Собир Раҳимов номли колхозининг раиси, **М. ИСМАТОВ** — Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, **М. РЎЗИМАТОВ** — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси. ПОЙ Н. А. — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг раиси, **У. ҲАСАНОВ** — Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхозининг раиси, **Х. ҚОДИРОВ** — Бўка районидаги Тельман номли колхозининг участка бошлиғи.

«ИЛ-62» САМОЛЁТИ МОНРЕАЛГА УЧДИ

«ИЛ-62» янги реактив самолёти 15 сентябрда Шереметьево аэропортидан Москва—Монреаль маршрути бўйича биринчи пассажир рейсига жўнади.

Аэропортда матбуот конференцияси бўлди. Граждан авиацияси министрининг биринчи ўринбосари Л. В. Жолудев юбилей йилида аэрофлот икки янги самолёт—«ИЛ-62» ва «ТУ-134» самолётларини ишга туширади, деди.

170 ўринли «ТУ-114» самолёти узоқ вақтгача совет граждан авиациясининг етакчи самолёти бўлиб келди. Энди унинг ўрнини «ИЛ-62» самолёти босади. Самолёт салонида 186 ўрин бор. У қўнмасдан 9 минг километр масофага уча олади.

«ТУ-134» самолёти мамлакатимизни Европа давлатлари билан боғлайдиган халқаро линияларда «ТУ-124» самолётининг ўрнини босади. Бу машина кўп юк ва пассажир кўтариб, узоқ масофага уча олади. У ҳозирдаёқ Москвани Стокгольм ва Вена билан боғловчи трассаларда ишлаб турибди.

Ҳар икки янги самолёт ўз ўтмишдошларидан двигателларининг қуйруқ қисмида жойлашганлиги билан фарқ қилади. Бу эса, салонда шовқинни анча камайтириш имконини беради.

Л. В. Жолудев журналистларнинг саволларига жавоб қайтара туриб, аэрофлот Москва—Нью-Йорк авиалиниясини очишга тайёргарлик кўраётганлигини, бошқа тўпла тўғри авиация линияларини очиш тўғрисида музокаралар олиб борётганлигини айтди.

«ИЛ-62» самолётининг биринчи пассажир рейсини машҳур учувчи Николай Шапкин бошчилик қилаётган экипаж бошқармоқда. У ана шу машинани аэрофлотда биринчилар қаторида ўзлаштирди. (ТАСС).

ЖАМОАТЧИЛИК—КАТТА КУЧ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш чоралари ҳақида»ги қарори ва СССР Олий Совети Президиумининг «Безорилик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш» тўғрисидаги Фармони қабул этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Маъмурий органларимиз кенг жамоатчилик кучига таяниб, ана шу қарорни ҳаётга тадбиқ эта бориб, баъзи жамоат тартибини бузувчи, кишиларнинг иззат нафсини оёқости қилувчи безориларга қарши қатъий кураш олиб бориш билан бирга жиноятчиликнинг олдини олиш, кишиларни меҳнат ва давлат интизомига қатъий равишда риоя қилиш руҳида тарбиялаш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга оширмоқда. Бу эса, шаҳарда биринчи навбатда оғир жиноятларнинг олдини олиш ва аҳён-аҳёнда учраб қоладиган безориликнинг кескин камайишига олиб келмоқда. Шаҳримиздаги ҳар бир корхона ва ташкилот коллективи ўз аъзосининг хулқ-атвори, ахлоқи, тарбияси учун жавобгардир. Коллектив ҳар бир аъзонинг меҳнатга, оилага, ҳамкасбаларига онгли, самимий муносабатда бўлишга даъват этмоқда. Корхона маъмурияти цех ва коллективлар ўртасида бошланган социалистик мусобақа натижаларини якунлаётган вақтда, фақат уларнинг ишлаб чиқаришда эришган ютуқларинигина эмас, шу билан бирга коллективнинг ҳар бир аъзосини меҳнатга, жамоатчилик ишларига ва оилага муносабати ҳам ҳисобга олинади. Бу эса ўз навбатида бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун деган шиорни илгари суришмоқда.

Шаҳардаги кўпгина саноат корхоналарининг коллективлари ва бир қатор жамоатчи активлар ана шу йўл билан баъзи жиноий ишларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда мураккаб жиноятларни очишда маъмурий органларимизга яқиндан кўмак беришяпти. Жамоат активларининг ёрдами билан жамоат учун хавфли бўлган баъзи ишёқмас, данга-са, текинхўрлар одил халқ судлари олдида, жамоатчилик олдида қилмишлари учун жавоб беришга мажбур қилинмоқда.

Жумладан, Янгийўлдаги 107-автобаза шофери Исмоил Нишонов узлуксиз спиртли ичимлик ичиб, доимо жамоат тартибини, шунингдек ўз ойлаги тинчлигини бузиб келди. Ҳаттоки уни тартибга чақирган милиция ходимларига нисбатан ҳам кўпол муомалада бўлди. Кейин бу безорини ўз коллективи олдида, автобаза клубида очиқ суд қилинди. Суд уни қилмишига яраша жазолади. Автобаза коллективи ва бошқа жамоатчилик вакиллари одил суд ҳукмини қизғин маъқулладилар. Иван Власов, Искандар Шабидулин ёки эндигина ўн саккиз баҳорни кўрган Комил Ҳасанов каби тартиббузарлар ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин. Безориликни касб қилиб олган бу ичкиликбозлар ҳаракати ҳам жамоатчилик томонидан қаттиқ қораланди. Одил суд ҳукми билан улар қилмишларига яраша жазоландилар.

Тўғри, халқ судларининг асосий вазифаси жиноят қилган кишиларни жазолабгина қолмасдан, уларни қайта тарбиялаш, жиноятнинг олдини олишдан ҳам иборат. Баъзан шундай кўнгилсиз воқеалар содир бўладики, бу воқеалар ичкиликбозликни касб қилиб олган кишилар томонидан эмас, балки меҳнатга, оилага коммунистик муносабатда бўлиб келаётган кишилар томонидан тасодифан содир бўлади. Бундай ҳолатларда суд безорилик улар ҳаётида биринчи маротаба юз берганлигини ҳисобга олиб, содир бўлган жиноят хавфли бўлмаган тақдирда уни ўз коллективи муҳокамасига беради. Масалан, 1940 йилда туғилган А. Булатов жамоат жойида кўпчилик тинчлигини бузади, безорилик қилади. У ўз қилмишига иқрор бўлгани, тавбасига таяниб иккинчи бундай ҳаракат қилмаслик ҳақидаги сўзини инобатга олиб, суд уни ўзи ишлаётган корхона коллективи ихтиёрига топширди. Бу билан суд янглишгани йўқ. Ҳозир бу йигит коллектив ўртасида ўз ахлоқи, меҳнатга, касбдошларига бўлган муносабати билан ҳурмат қозониб келмоқда. Бундай мисолларни суд тажрибасидан кўплаб келтириш мумкин. Айниқса ҳаётга эндигина кириб келаётган ёш ўсмирларга нисбатан қўлланилаётган бу тадбир айниқса яхши натижа бермоқда.

Бизнинг жамиятимизда кишилар бир-бирига дўст, ўртоқ, биродар, ҳамкор ва ҳамнафас. Шундай экан, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, ўз дўстини, ҳамкасбини бирор ножўя иш қилишдан, жамоат тартибини бузишдан, ичкиликбозликдан қайтариши, бу йўлда унга ҳамкорлик қилиши, ўрни келганда таъсирини ўтказишни ўзининг инсонийлик бурчи деб билиши керак. Ана шундагина орамизда ичкиликбозлар, безорилар, тартиббузарлар бўлмайди. Шаҳримиз жамоатчилигининг бу соҳадаги ажойиб ташаббуси, маъмурий органларга кўрсатиб келаётган ёрдамлари туфайли бизда кўнгилсиз воқеалар деярли икки бараварга камайди.

К. ЭГАМҚУЛОВ,
Янгийўл шаҳар халқ судининг раиси.

...делар

КАКТУСНИНГ бой коллекцияси ботаника боғига эмас, балки мана шу кишига қарашли. Машҳур румин скульптори Вида Геза бу гўзал манзарали ўсимликнинг ишқибозидир.
Аджерпресс—ТАСС фотоси.



УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Республикаси Фанлар академиясининг тарих институти «Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Монголия» деган китобни босиб чиқарди. Китоб Октябрь революцияси ғояларининг Монголияга ҳаётбахш таъсири тўғрисида, бу ғояларнинг таъсири остида мамлакатда 1921 йилги халқ революцияси қандай ғалаба қозонганлиги тўғрисида, социалистик қурилишда монгол халқи эришган муваффақиятлар тўғрисида ҳикоя қилади.

Китоб авторлари фактларга бой материалларга асосланиб, шундай хулосага келадиларки, Монголия халқ революцион партияси раҳбарлиги остида монгол халқи амалга оширган чуқур социал ва иқтисодий ўзгаришлар қардош Совет Иттифоқининг жуда катта бегараз ёрдами натижасидир.

КОЛУМБИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

БОГОТА, (ТАСС). СССР — жаҳонда социализм системаси ва миллий озодлик ҳаракатларининг таянчидир. СССРнинг 50 йил ичида тўплаган тажрибаси ер юзидаги барча халқлар учун бебаҳо бойликдир. Колумбия Компартияси марказий ижроия комитетининг бу ерда эълон қилинган баёнотида шу тўғрида гапирилади.

Совет Иттифоқи, деб таъкидланади баёнотда, ўз тараққиётининг ярим асрлик тарихида ишчилар, деҳқонлар ва эксплуатация қилинувчи бошқа кишилар ўз мамлакатларини мустақил ҳлгор давлатларга айлантириш учун қайси йўлдан боришлари кераклигини яққол кўрсатди.

Баёнотда қолоқ Чор Россиясини қудратли давлатга айлантиришда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг муҳим роль ўйнаганлиги уқтириб ўтилади. Совет Социалистик Республикаларининг мустаҳкам иттифоқи, — дейилади баёнотда, — КПСС нинг ҳормай-толмай қилган ишлари самарасидир. Ленин партияси жанг майдонларидаги қаҳрамонона курашда ва доимий бунёдкорлик меҳнатида чиниққан революцион отрядидир.

Сўнгра баёнотда айтиладики, ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда СССР янги уруш олови ёқувчиларнинг, жумладан Америка империалистларининг жиноий ниятларига тўсқинлик қилувчи қудратли кучдир. СССРнинг ленинча тинчликсеварлик сиёсати мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олган ва империалист агрессорларга қарши курашаётган мамлакатларнинг ҳаётий манфаатларини ифода этади.

Колумбия Компартияси ўз баёнотининг охирида Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги байрамига тайёргарликни кучайтиришга даъват этади.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

КУБОК МОСКВАДА ҚОЛАДИ

СССР кубоги учун бўладиган финал мусобақада Москванинг икки командаси—ЦСКА ва «Динамо» қатнашади. Бу коллективлар ярим финал ўйинларини ғалаба билан якунлашди. ЦСКА Бокунинг «Нефтяник» командаси билан икки кун давом этган кескин курашдан сўнг муваффақиятга эришди. Биринчи кун командалар қўшимча вақт берилган бўлишига қарамай ҳисобни очолмай майдондан чиқиб кетган эдилар. Эртасига—16 сентябрда бўлган қайта учрашувда Москва армиячилари—Федотов ва Дударенко киритган тўплар орани очиқ қилди. Ҳисоб 2:0.

Иккинчи финалчи—Москва динамочилари «А» классининг иккинчи лигасида мусобақалашувчи Саратов шаҳрининг «Сокол» командасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Гарчи бу учрашувда турнир пешқадами йирик ҳисоб билан ғалабага эришган бўлса ҳам «Сокол» футболчилари ўзларининг чиройли ва дадил ўйинлари билан ишқибозларга ёқиб қолдилар.

МАШҚ УЧРАШУВИ

«Пахтакор» футболчилари мамлакат биринчилигида юз берган қисқа танаффусдан фойдаланиб, Тошкентда машқ учрашув ўтказишга қарор қилдилар. Улар «А» класси иккинчи группасининг учинчи подгруппасида муваффақиятли қатнашаётган Ашхободнинг «Строитель» командасини ўз майдонларида қабул қилдилар. Меҳмонлар тажрибали рақибларига муносиб қаршилик кўрсата олдилар. Учрашувни 74-минутда пахтакорчи Иброҳимов киритган тўп тошкентликлар фойдасига ҳал қилди.

«Пахтакор» мамлакат биринчилигининг навбатдаги учрашувини Ленинградда 21 сентябрда ўтказади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

МЕКСИКА ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ СЪЕЗДИДА

МЕХИКО, (ТАСС). Бу ерда Мексика хотин-қизлари миллий иттифоқининг биринчи конгресси давом этаётир. Бу ташкилотнинг президенти Клементина Б. Бассоле конгрессда қилган докладида бундай деди: «Биз совет хотин-қизларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги билан табриклаймиз. Бу революция совет хотин-қизларини тамомила озод қилди».

Докладчи иттифоқнинг асосий вазифаларига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: тинчлик учун, АҚШнинг Вьетнамга қарши ваҳшиёна агрессиясини тўхтатиш учун кураш—иттифоқ фаолиятининг асосий йўлидир. Бизнинг иттифоқимиз, деб уқтириб ўтди Б. Бассоле, барча мамлакатлар хотин-қизларининг тенг гражданлик ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлайди. Ташкилотнинг президенти съездда кўтарилган масалаларни амалий тарзда ҳал этмоқ учун мамлакатнинг 22 штатидан келган вакилларга аҳоли яшайдиган ҳар бир пунктда хотин-қизлар комитетларини тузишни таклиф этди.

Американинг тўрт самолёти уриб туширилди

ХАНОЙ, (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Вьетнам Халқ армиясининг ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қисмлари 10 сентябрда Куангбинь вилояти территорияси осмонида Американинг бир самолётини уриб туширдилар.


Шимолий Вьетнам зенитчилари 8 сентябрда Куангбинь ва Хатинь вилоятлари территорияси осмонида Американинг 3 самолётини уриб туширдилар.

ИНДОНЕЗИЯ ЎЗ ДИПЛОМАТЛАРИНИ ПЕКИНДАН ЧАҚИРИБ ОЛАДИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Индонезия ҳукумати ўз элчихонаси ходимларини Хитойдан чақириб олишга қарор қилди.

Рейтер агентлиги мухбирининг Жакартадан хабар беришича, Индонезия ташқи ишлар министри Адам Малик бундай деган: «биз элчихонамизнинг ходимларига Пекиндан жўнаб кетиш ҳақида кўрсатма бердик. Бунга сабаб шуки, элчихонамиз Пекинда нормал ишлай олмайди ва элчихонани қўриқлаш чоралари кўрилмаётир». Аммо, деди министр, Пекин маъмурлари Индонезия дипломатларининг жўнаб кетишларига шу вақтгача рухсат берган эмаслар.

Маликнинг айтишича, Индонезия Хитой билан муносабатларни узиш ниятида эмас. Рейтер агентлигининг мухбири хабар беради: Индонезия ҳукумати Хитойнинг икки дипломатидан Индонезия тупроғидан чиқиб кетишни талаб қилганидан кейин Индонезия ташқи ишлар министри ана шу гапларни айтди.



ФИНЛЯНДИЯ. Яна бир йилдан кейин Саймен канали бўйлаб кемалар қатнови очилади. 2500 қурувчи 1856 йилда яратилган бу канални ҳозир конструкция қилиш билан банд. 57 километрлик трасса Финляндия ва СССР территориялари бўйлаб ўтган. Канал 4 та кўлни кесиб ўтиб, ичкаридаги юкни Болтиқ денгизига олиб чиқади. СССР ва Финляндиянинг ўзаро келишувига биноан Финляндия томонида учта ва Совет Иттифоқи территориясида бешта шлюза қурилади. Суратда: каналнинг Мустол шлюзаси олдидаги тайёр участкаси.
В. Павлов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

1968 ЙИЛ УЧУН
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ



ОБУНА БАҲОСИ: бир йилга—5 сўм 28 тийин, олти ойга—2 сўм 64 тийин, уч ойга—1 сўм 32 тийин.

ГАЗЕТАГА «СОЮЗПЕЧАТЬ» БЎЛИМЛАРИДА, ОБУНА ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЁЗИЛИШ МУМКИН.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55—**Эшиттиришлар программаси.** 18.00—**Телеянгиликлар.** 18.20—**Чорвоқ кундалиги** (янги қурилишларда). 18.40—**Эшиттиришлар программаси ва эълонлар.**

Ўзбек тилида: 18.50—**Телеянгиликлар.** 19.10—**В. И. Ленин декрети билан. 19.40—АЛИШЕР НАВОИЙ НУТҚ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА** (Шоир туғилган кунининг 525 йиллиги олдидан). 20.00—**Тезу—тоза терайлик** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 20.20—**Р. Мазоҳидова ва М. Мансуровалар ижоди ҳақида суҳбатли концерт.** 21.20—**Саёҳат** (бадиий фильм, русча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55—**Эшиттиришлар программаси.** 18.00—**Мурзилка ва велинан** (мультфильм). 18.20—**Ҳужжатли фильм.**

Рус тилида: 19.10—**Рус тасвирий санъатида тарих ва турмуш** (ўқитувчилар учун, 5-синфларда расм программаси).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45—**Эшиттиришлар программаси.** 19.50—**Ҳайр, ёз!** (ўқувчилар учун). 20.15—**Украина москвалинлар билан ҳайралашади.** 20.35—**«Қизил Октябрь» заводи бадиий ҳаваскорларининг концерти.** 21.00—**Телеянгиликлар.** 21.15—**Сенга, «Ёшлик».** 21.55—**Совет музика маданияти.** Н. Лисенко номидаги Львов консерваториясидан. 22.30—**Ярим аср йилномаси, 1936 йил** (ҳужжатли фильм). 23.30—**Телеянгиликлар.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ОЛМАОТА КЎРСАТАДИ

«ҚУРДАСТАР» ижодий бирлашмаси

18.00—**Бизнинг «Глобус».** 18.40—**Олтинтдан** (эшиттириш). 19.10—**Ойдин.** Ёш санъат ҳаваскорларининг клуби.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.30—**Эшиттиришлар программаси.** 19.35—**Телеянгиликлар.** 19.45—**Мен, мураббо ва укам** (болалар учун). 20.00—**Йўлдаги одам** (кинофильм).

Рус тилида: 20.20—**Шахматчилар** (илмий оммабоп фильм). 20.40—**Концерт** (шаҳримиз меҳмонлари). 21.10—**Телеянгиликлар.** 21.20—**Бурилар ва қўйлар** (телеспектаклининг биринчи қисми).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—20/IX да **Гавҳари шамчирок.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—19/IX да **Сўнгги қурбон,** 20/IX да **Парвона.**

КИНО

ҚИШКИ БИНО

Фантомас қутиртмоқда— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (ҳундуз ва кечқурун).

Денгиз ҳикоялари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8, 9.45 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

Фантомас қутиртмоқда— «ФЕСТИВАЛЬ», НАВОИЙ номли.

Денгиз ҳикоялари — «ХИВА», «ВАТАН».

Золтан Карпатининг тақдири—ТЕЛЬМАН номли.

«Главташкентстрой» 1-«ТАШТРАНСПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 5 МАХСУСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАСИГА

йўл ишчилари, слесарь-сантехниклар, гидрогезистлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи—ишбай.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

«УЗЭЛЕКТРОСБИТ»га

электр счётчикларини ўрнатиш ва алмаштириш электр монтёрлари, электр энергия ҳисоби бўйича контролёрлар, электр слесарлар касбига шогирдлар, инженерлар, техник-электриклар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 1 Май кўчаси, 101 уй (1, 2, 3, 4, 5, 13, 14 трамвайларнинг «Дизельний» тўхташ жойи), кадрлар бўлими. Телефон № В-3-19-242.

Ўзбекистон КП Оржоникидзе район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район совети ижроия комитети «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Абдужамил МАТҚОБУЛОВНИНГ

узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—В35212. Редактор ўринбосарлари—В35885 В31232. Масъул секретарь—В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—В33786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари—В35811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—В39050 Совет қурилиш маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими—В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01240. Индекс — 64697. А. 1748.